



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 ноябр, жума №180 (1397)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МЕҲНАТ МУРОДГА ЕТКАЗДИ

Ғолиб самарқандлик пахтакорлар ҳузурда

Неча йилдирки, Самарқандда пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режаси удаланмай келинади. Интилган, изланган албатта муродага етади. Бу йил самарқандлик деҳқонлар чинакам тер тўкиши ва сўзларининг устидан чиқишди.

Мўл ҳосил орсусида ўтган йили куздаёқ далалар сифатли шудгорланди, озиклантирилди. Табиатнинг синовиди олдидан экан. Баҳор жуда серёғин келди. Эрта экилган далаларга қайтадан

чигит кадашга тўғри келди. Нихоллар ривождаги кечикишни қоплаш учун озмунча меҳнат қилинди? Деҳқон тиним билмади. Натижада Нарпай, Жомбой, Пастдаргом, Оқдарё туманлари далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Терим қиска фурсатларда уюшқоқлик билан ўтказилди. Мавсумда деҳқонлар билан ёнма-ён минглаб хашарчилар — корхона ва ташкилотлар ходимлари, талабалар, ўқувчилар қатнашишди. Пахтачиликка ихтисослашмаган Ургут, Са-

марқанд, Тойлоқ туманлари ҳам миришкорларга техникавий-ташқиллий жиҳатдан амалий ёрдам беришди.

Терим мавсумида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарорининг ижроси тўлиқ таъминланди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, иш ва дам олиш шароитларини яратиш, пахтакорларга, хашарчиларга турли хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган тadbирлар тўлағича бажарилди. Натижада, самарқандлик пахтакорлар 250 минг тонналик улкан хирмон тикладилар.

расидаги тadbирларни амалга оширад экан, вилоят касоба уюшмалари Кенгаши илғорларни рағбатлантиришни ҳам муҳим, деб ҳисоблайди. Шу сабабли Кенгашнинг ўтган пленумида пахта терими илғорларини муқофотлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга кўра терим мавсуми босқичларида илғор бўлган туман пахтакорларига вилоят касоба уюшмалари Кенгашининг

тола ишлаб чиқаришга ҳам муҳим аҳамиятга эга. Пировард натижа айна ана шунга боғлиқ. Мавсум масъулиятини ҳис қилган ҳолда тайёргарликни бу йил анча эрта бошладик. Дастгоҳлар, усқуналар, ишлаб чиқариш бинолари тубдан таъмирланди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, меҳнат муҳофазаси талабларига мос ҳолга келтирилди.

Корхонамиз Оқдарё тумани пахтакорларига хизмат кўрсатади. Бу йил қарийб 19 минг тонна пахта қабул қилинди. Маҳсулотнинг асосий қисми юқори навлар мезонига мослиги бизни қувонтиради. Чунки бундан барчага кўпроқ манфаат етади. Ҳозиргача қабул қилинган ҳосилнинг 4 минг тоннадан зиёдроғи қайта ишланди. Сифатли тола олиниб, хорижий давлатларга жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

Мавсумда иш уч сме-нада ташкил этилди. Касоба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда махсус тadbирлар тузилиб, ишчиларнинг иш ва дам олиш шароити талаб даражасида бўлиши доимий назоратда бўлди. Хар бир смена ишчилари корхона хисобидан бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланди. Корхона қошида мавжуд тиббий савдо ва маиший хизмат масканлари доимий ишлаб турди. Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичларга маъмурий ва касобакўмирнинг муқофотлари белгилаб қўйилди. Қисқаси, мавсумда корхонамиз жамоаси чинакам меҳнат билан деҳқонларга камарбаста бўлишди.

О.УБАЙДУЛЛАЕВ, Оқдарё туман «Янгиқўрғонпахта» хиссадорлик жамияти бош муҳандиси.

ДАШТ БОЙЛИГИ

Ҳўжалигимиз далалари дашт ҳудудида жойлашган. Шу боис деҳқонларимиз табиат инжиқликларига бошқаларга нисбатан кўпроқ дучор бўлишади. Шунга қарамасдан, астойдил ишляймиз. Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга ҳисса қўиш учун меҳнат қилаёғимиз.

Деҳқонларимиз шартномавий режани удаламаган йилни эслай олмаيمان. Масалан, бултур ҳам пахта, ғалла, пилладан мўл ҳосил етиштириш эвазига 60 миллион сўм соф фойда олинди. Бу маблағнинг асосий қисми деҳқонлар манфаатдорлигини оширишга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфланди. Ҳўжалигимизда 873 нафар киши меҳнат қилади. Иш ҳақидан қарзимиз йўқ. Аксинча, жамоа шартномасида кўрсатилганидек, ҳўжалик аъзоларининг қўшимча имтиёзлардан баҳраманд бўлишга эришаёғимиз. Қишлоқларимизда маданият, маиший хизмат, савдо, тиббиёт масканлари мунтазам ишлаб турибди. Мавжуд барча шийпонлар талаб даражасида таъмирланиб, жиҳозланиб, эрта баҳордан кеч кузгача деҳқонлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Бу йил пахтакорларимиз фидокорона меҳнат қилишди. Айниқса,



Жўракул Раззоқов, Нуриддин Жумаев, Абдуназар Раҳмонов бошлик бўлимлар, Неъмат Шамиев, Шамсиддин Қурбонов, Исроил Сайфуллаев каби ижарачилар бошқаларга ибрат бўлишди. Шу тўғрисида биринчилардан бўлиб маррага етдик. Бу йил қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришидан қарийб 400 миллион сўмдан даромад олиш режалаштирилган. Бундан ташқари пахта ҳосили ҳўжаликнинг ўзида қайта ишланиб, бундан ҳам 130 миллион сўм атрафида даромад келади.

Н.ТОШМАТОВ, Нарпай туманидаги Ислом Шoir номли деҳқон ҳўжаликлари уюшмаси раиси.

БОБОДЕҲҚОН, ҚАНДИНГИ УРИ

Иш ва дам олиш шароити, манфаатдорлиги кўнгилдагидек бўлмаган кишининг меҳнатида унум бўлмайди. Хусусан, очик дала шароитида ишлайдиган деҳқон ҳамиша алоҳида ғамхўрликка муҳтож. Шунинг учун ҳам агросаноат мажмуидаги корхона, ташкилотларда жамоа шартномалари лойиҳасини ишлаб чиқиш, меҳнаткашларга қандай имтиёзлар таклиф этилаётгани йил бошиданок вилоят касоба уюшмаларининг диққат марказида бўлди. Бу масала қайта-қайта ўрганилиб, муҳокама қилинди, таклиф-

лар киритилди. Шу тўғрисида тармоқдаги аксарият ҳўжаликларда далада ишловчиларнинг дам олиш ва иш шароитлари яхшиланишига эришилди. Ҳўжаликларнинг устаконалари, ишлаб чиқариш бўлимлари, дала шийпонлари тўлиқ таъмирланди. Меҳнатни муҳофазаси қилиш талаблари бажарилишига, ишловчилар химоя воситалари, махсус кийим билан таъминланишига эришилди. Иш ҳақини вақтида тўлаш, моддий рағбатлантириш, манфаатдорлигини оширишнинг аниқ чоралари кўрилди.

Деҳқонларнинг ижтимоий химояси, меҳнатни муҳофазаси қилиш бо-

кўчма вимпели ҳамда рангли телевизор такрир ҳўжаликларда далада ишловчиларнинг дам олиш ва иш шароитлари яхшиланишига эришилди. Ҳўжаликларнинг устаконалари, ишлаб чиқариш бўлимлари, дала шийпонлари тўлиқ таъмирланди. Меҳнатни муҳофазаси қилиш талаблари бажарилишига, ишловчилар химоя воситалари, махсус кийим билан таъминланишига эришилди. Иш ҳақини вақтида тўлаш, моддий рағбатлантириш, манфаатдорлигини оширишнинг аниқ чоралари кўрилди.

М.ҲАЙИТОВ, Самарқанд вилоят касоба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари. ЯНГИ ҲОСИЛНИНГ ИЛК ТОЛАСИ

Деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган, йиғиштирилган ҳосилни саранжомлаш, қайта ишлаш, сифатли

КўНГИЛЛИ ТАШРИФ

АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик Корпуси ташкил этилганига ўн йил бўлди.

Шу давр мобайнида Ўзбекистонга 400 нафардан ортик кўнгилли ўқувчилар ташриф буюрди. Улар республикамиз мактабларида инглиз тилидан дарс бердилар. Кўнгиллиларнинг ўзбек оилаларида яшашлари эса турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз билан яқиндан танишиш имконини берди.

Тинчлик Корпусининг ўн йиллиги арафасида америкалик ўқувчи-педагогларнинг ўн тўртинчи гуруҳи мамлакатимизга келди. 45 кишидан иборат бу гуруҳ учун қасамёд маросими ҳам уюштирилди.

Улар эндиликда республикамиз мактабларида ўқувчиларимизнинг пухта билим олишлари йўлида педагогик маҳоратларини ишга соладилар. **А.АЛИЕВ.**

Қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. У юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади. Шу боис яқинда «Вақт» миллий депозитарийси хиссадорлик жамиятининг Қашқадарё вилоят шўба корхонасида бўлиб, хусусийлаштирилган ташкилотларда олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

— Бундан тўрт йил муқаддам депозитарий хиссадорлик жамиятига айлантирилди ва унинг негизда корхонамиз ташкил топди. — дейди жамоа раҳбари Холмуҳаммад Бекназаров. — Айни чоғда юридик ва жисмоний шахсларга қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда хизмат кўрсатиб келаямиз.

Корхона 270 та акциядорлик жамияти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Асосий мақсад қимматли қоғозларни чиқариш, улар ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳаракатининг ягона тизимини шакллантириш, эмитентлар ва инвесторларга хизмат кўрсатишдан иборат. Бу ерда акция эгаларининг реестрлари юритилади, дивидентлар ҳисоб-китоб, қимматли қоғозлар инкассация қилинади. Тизимга тегишли ахборотлар тўпланади. Акцияларнинг ҳақиқийлиги текширилади.

Жамоа хусусий корхоналарга акцияларни тезкорлик билан чиқариш, эмиссиянинг нақдсиз шаклидан фойдаланиш ҳисобида сарф-харajatларни қисқартирини, акциядорлар рўйхат дафтарини бошқариш борасида малакали хизмат кўрсатиш, юқори сифатли

лари депонентлар билан тузилган шартнома асосида қимматли қоғозларга эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бериш, акцияларни гаровга қўйиш, мижозларнинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар бўйича даромадларни банклардаги пул ҳисоб рақамларига ўтказиш каби хизматларни бажаришда анча тажриба орттиришди.

Вилоятдаги «Пахта-саноатсотиш», «Шахрисабз-консерва», «Каштекс», «Қишлоқҳўжаликкимё», «Қаршиёғэкстракция», «Кумуш», «Косонёғэкстракция», «Шахрисабз-норуда материаллари», «Китобийтигирув» каби йирик саноат корхоналарига малакали

на мижозларга 4-5 турда хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда уларнинг сонини 30 тадан ошиб кетди. Бу ерда улар учун ҳамма қулайликлар яратилган, корхона ходим-

хизмат кўрсатилапти. Депозитарийда 5 минг нафардан ортик қимматли қоғоз эгаларидан ташкил топган 3 та акциядорлик жамиятининг реестри юритилапти. Жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний шахсларга 43 минг 900 та, юридик шахсларга 699 та «депо» ҳисоблари очилди. Мижозларга 5 миллион 432 минг сўмлик турли хизматлар кўрсатилиб, 762 минг сўм соф фойда олинди. Хизмат ҳақи умумий миқдори 0.5 фоизгача камайтирилди. Айрим хизмат турлари эса текинга амалга оширилмоқда.

Вилоятда давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Фуқароларнинг қимматли қоғозларга бўлган қизиқиши ошиб бораёпти. Бунини ҳисобга олган шўба корхонаси мижозларнинг эҳтиёжи асосида янги-дан-янги хизмат турларини йўлга қўймоқда.

Ҳозирги кунда корхона фаолиятини юритиш учун корхона жаҳон андозларига мос замонавий техника билан таъминланган. Унинг халқаро-Интернет тармоғига уланганлиги энг янги ахборотларни олиш имконини бермоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Қимматли қоғозлар бозори

хизмат кўрсатилапти. Депозитарийда 5 минг нафардан ортик қимматли қоғоз эгаларидан ташкил топган 3 та акциядорлик жамиятининг реестри юритилапти. Жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний шахсларга 43 минг 900 та, юридик шахсларга 699 та «депо» ҳисоблари очилди. Мижозларга 5 миллион 432 минг сўмлик турли хизматлар кўрсатилиб, 762 минг сўм соф фойда олинди. Хизмат ҳақи умумий миқдори 0.5 фоизгача камайтирилди. Айрим хизмат турлари эса текинга амалга оширилмоқда.

Вилоятда давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Фуқароларнинг қимматли қоғозларга бўлган қизиқиши ошиб бораёпти. Бунини ҳисобга олган шўба корхонаси мижозларнинг эҳтиёжи асосида янги-дан-янги хизмат турларини йўлга қўймоқда.

Ҳозирги кунда корхона фаолиятини юритиш учун корхона жаҳон андозларига мос замонавий техника билан таъминланган. Унинг халқаро-Интернет тармоғига уланганлиги энг янги ахборотларни олиш имконини бермоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республика шoshiлич тиббий тез ёрдам марказида Япония ҳукумати ҳамда ЮНИСЕФ - Халқаро Болалар жамғармасининг Оролбўйи минтақасида кургоқчиликдан зарар кўрган худудларга кўмак лойиҳасига биноан келтирилган инсонпарварлик ёрдами топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа 2,6 миллион АҚШ доллари миқдорда бўлиб, худуддаги 2 миллион нафар она ва бола саломатлигини тиклаш, уларнинг озиқ-овқат ва дори-дармон таъминотини яхшилашга қаратилган.

Инсонпарварлик ёрдами таркибида 273 турдаги юк: вакциналарни сақлашга ва ташига мўлжалланган махсус автомобиллар, музлаткичлар, болалар касалликларини интеграллашган кузатиш методи учун зарур бўлган дори-дармонлар, анемияни даволаш ва унинг олдини олишда ишлатиладиган феррум сульфат таблеткалари, суспензиялар, сувни тозаловчи кимёвий моддалар, бир марта ишлатиладиган шприц ҳамда игналарни йўқ қилиш учун куйдириш қурималари бор.

Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши Раиси Т.Тангирбергенов, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Акио Кавато, ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Филипп Хеффинк сўзга чиқиб, Оролбўйи минтақасида рўй берган икки йиллик кургоқчилик оқибатларини ёнгилаштиришга қаратилган ушбу инсонпарварлик ёрдамининг аҳамияти ва бундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

1 ҚОНУНЛАРДА ХАЛҚ ИРОДАСИ

Мустақил давлатимизнинг ижтимоий муносабатларини ва давлат тузилишини кенг ифодаловчи олий ҳужжат Конституциямиздир. Бу муҳим Қомус умумбашарий ғояларга асосланган бўлиб, Ўзбекистон халқларининг азалий орсусини, барча хоҳиш ва истакларини ифода этган ҳолда жамиятда янги ижтимоий муҳит яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Конституциявий кафолатларни яхши би-лиш ҳар бир фуқарода давлатга ва келажакка буюк ишонч руҳини уйғотади. Натижада ҳар бир фуқаро жамиятдаги ўз ўрнини аниқ билади ва тақдирини биринчи навб-да ўзига боғлиқлигини ҳис қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиб таъмин қилмасан, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмасан, қонунлар ва миллий аъноалар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмасан, демократик ҳуқуқий давлатни тасав-вур қилиш қийин. Зотан, Демократия — бу Конституция ва қонунлар доирасида эркинлик демок-мақдир. Ушбу ҳақиқатни шу ваҳдан ҳам доимо ёдда тутмоқ керакки, у ҳуқуқий давлатнинг пой-деворини ташкил қила-ди.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири, бу фуқароларнинг қонун ол-дида тенглиги, Конститу-ция ва қонунларнинг устуворлигини таъминла-шидир. Конституция ва қонун устуворлиги, аввал-ла, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун-нинг қатъий ҳукмрон эканлигини аналтади, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тadbиркор ёки бо-шқа бирор фуқаро қонунга бўйсунмиш маж-буриятдан ҳоли бўлиши мумкин эмас ҳамда бар-ча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади. Чун-ки қонун олий юридик қучга эга бўлган ҳужжат бўлиб, у Олий вакиллик органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Қонун-ларда халқ иродаси, унинг хоҳиш истаги, дав-латнинг ички ва ташқи сиёсати ўз ёркин ифо-дасини топади.

Асосий қонунимизнинг 15-моддасида «Ўзбеки-стон Республикасида Ўзбекистон Республика-сининг Конституцияси ва қонунларининг устун-лиги сўзасиз тан олина-ди. Давлат, унинг орган-лари, мансабдор шахс-лар, жамоат бирлашма-лари, фуқаролар Кон-ституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар» деб кўрсатиб ўтилган. Шунга асосан фуқаро-ларнинг жамият ва дав-лат ишларини бошқа-ришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иш-тирок этиш ўзини-ўзи доирасида эркинлик де-мақдир. Ушбу ҳақиқатни шу ваҳдан ҳам доимо ёдда тутмоқ керакки, у ҳуқуқий давлатнинг пой-деворини ташкил қила-ди.

Ўзбекистон фуқаро-лари давлат бошқару-вини ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, вакиллик органлари бўлган халқ депутатларининг теги-ши Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш орган-лари орқали амалга оши-ради. Фуқароларнинг жами-ят ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг яна бир му-ҳим кўриниши вужудга келтирилган мукамал сайлов тизими, ошқора-лик каби тамойиллар ҳамда қонун доирасида амал қилаётган жамоа бирлашмаларига кири-ш эркинлигининг таъмин-ланганлигидир. Конститу-цияга кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқа-ролари вакиллик орган-ларига сайлаш ва сай-лашни ҳуқуқига эгадир-лар. Хар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз ҳо-қиш иродасини билди-риш тенглиги ва эркин-лиги қонун билан бел-гиланади.

А.АЛИМУҲАМЕДОВ, Ўзқуқнинг ҳуқуқий бўлими мудири.

Бир фармон шарофати

ҚОРАЎЗАК КЕНГЛИКЛАРИДА

Бу йил ўзининг 75 йиллигини нишонлаётган Қораўзақ тумани Қорақалпоғистон Республикасининг йирик иқтисодий ҳудудларидан бири саналади. Табиат кийинчиликлари ва сув тақчиллиги билан боғлиқ машаққатларни мардонавор енгаётган қораўзақликлар ҳар йили кўп миқдорда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Юқсак ишчанлик, меҳнат фаоллиги туфайли халқнинг ижтимоий аҳволи яхшиланаяпти.

Президентимизнинг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида сўнг хусусий тадбиркорлик, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди.

Оролни қўтқазиб Халқаро жамғармаси томонидан деҳқон-фермер хўжалиқларига 17 миллион 287 минг сўм кредит ажратилди. Бундан «Дўстлик», «Мендибой», «Саодат» сингари фермер хўжалиқлари баҳраманд бўлиб, чорвачиликни ривожлантиришга киришдилар.

«Бизнес фонд»нинг республика бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги томонидан тоғат пасти ишлаб чиқарадиган кичик корхона фаолиятини йўлга қўйиш учун 24 миллион сўм маблағ берилди. Миллий банкнинг Қорақалпоғистон бўлими «Қораўзақ-тутину» ҳиссадорлик жамиятига салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун 250 миллион сўм қарз ажратди. Соатириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонида сўнг хусусий тадбиркорлик, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни жадал ривожлантириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди.

Улар бозорни халқ истеъмол моллари билан тўлдиришга ҳиссаларини қўшишмоқда. Қурилиш ва ободончилик кўлами кенгайрилди. «Қорақалпоқагро-қурилиш» бирлашмасининг 319-механизациялашган кўчма жамланмаси олис «Қуралпа» ширкат хўжалигида 264 ўринли замонавий мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топширди. Икки километрдан зиёд қувурлар тортилиб, «Есимўзақ» ширкат хўжалигига ичимлик суви келтирилди.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорги Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида кўйган вазифаларидан келиб чиқиб, чорвачиликни юксалтиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Ҳозирга қадар 561 миллион сўмлик чорва маҳсулотлари тайёрланиб, шартнома режалари бажарилди. Бепоён яйловларда 14,4 минг бош қорамол, 41 минг бошга яқин қўй-эчкилар парвариш қилинмоқда. Олинадиган маҳсулот миқдори ўсиб бораёпти.


Маиший хизмат кўрсатиш аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу кунгача аҳолига 200 миллион сўмликдан ортиқ пуллик хизмат кўрсатилди. Қўшимча тиббий, маданий-маиший хизмат тармоқлари очилди. Қарияларни қадрлаш йилида кекса авлод вакиллари алоҳида ғамхўрлик билан қўриб олинган. Уруш ва меҳнат фахрийлари ўз вақтида пенсия билан таъминланаяпти. 63 нафар ёлғиз пенсионерга озик-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари олиб берилди.

Қораўзақ ҳудуди чексиз ва бепоён. Деҳқончилик қилинадиган ерлардан ташқари бу ерда 58 минг гектар ўрмон ҳам бор. Табиатни асраш, ихотазорларни кенгайтириш мақсадида ҳар йили юзлаб гектар дарахтзорлар яратилаяпти.

И. ИСОМИДИНОВ.

«Жиззахавтотранс» уюшмаси ҳайдовчилари халқ хўжалиги юклари ва йўловчиларни ташишда фаол иштирок этмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган ойларида 7.568 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилиб, бу борадаги режа 102 фоизга уддаланди. Шунингдек, 23 миллион нафардан зиёд йўловчилар ўз вақтида манзилларига элтиб қўйилди. Натижада 333 миллион сўмлик даромад олинди. Айти кунларда 210 та автобус, 80 та махсус жиҳозланган ва 180 та юк ташувчи автомашиналар йиғим-теримда хизмат қилмоқда.

Уюшмада 90 нафар фахрий бор. Уларнинг ҳар бирига алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатилаяпти.



Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номи ширкат хўжалиги маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси ҳар йили пахта йиғим-теримида пешқадамлик қилган мусобақа илгорларини муносиб тақдирлаб келади. Мусобақа шартларига кўра, бош ва оилага иш ҳақи, пай улуши тўлаш, уларни иқтисодий, ижтимоий ҳимоялаш тубдан яхшиланиб бормоқда. Хўжалик ҳудудидаги мавжуд 16 миң аҳоли истиқомат қилаётган хонадонлар тўлиқ газлаштирилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Лубатон қишлоғида хўжалик ҳисобидан уч километрлик йўл таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

ИШДАН СЎНГ спорт майдонларига

Маҳалларда 4 километрлик сув қувурлари тортилди. Маданий, маиший хизматни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли истиқомат жойларида бош режа асосида бадий хунармандчилик, тикувчилик, новвойлик, қандолатчилик сингари қатор маданий-маиший хизмат нукталари қад ростилади. Ўнлаб кишилар ишлаб чиқаришнинг янги турларига жалб этилди.

Айниқса, мактаб-маорифга хўжалик ишининг ажралмас бир қисми сифатида қаралмоқда. Ўқув-тарбия муассасалари таъмирдан тортиб, аълочи ўқувчиларни тақдирлаш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарсликлар олиб беришга бўлган барча ҳайрли тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Яқинда касб байрами муносабати билан Нодира, Ойбек ҳамда Бурхон Эсонов номи мак-

Ибрат

таб жамоаларига 225 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, ўқувчиларга ўқув қуроллари тортиқ қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир мактабга 1 гектардан ер участкаси ажратилган бўлиб, улардан олинган даромад мактаб харажатлари учун сарфланмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада яхшиланди. Иккита қишлоқда замонавий врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ишловчи қарияларга 10 иш кунини сақланган ҳолда қўшимча таътил бериш жамоа шартнома-сига киритилган, - дейди хўжалик касоба уюшма кўмитаси раиси Ўткир Ражабов. - Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 240 нафар кишини ижтимоий ҳимоялашга 1 миллион 470 минг сўм сарфланди.

«Меҳнатдан келса бойлик» турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, одамлар бу ерда ишдан бўш вақтларини спорт ва бошқа кўнгилочар машғулотлар билан шуғулланишга сарфламоқдалар. Хўжаликда бунинг учун барча қулайликлар яратилган. Волейбол ва баскетбол, футбол майдонлари, каратэ клуби доимо спорт ишқибозлари билан гахжум. Шу боисдан бўлса керак, хўжалик спортчилари футбол, волейбол, баскетбол бўйича вилоят ва туман мусобақаларида пешқадамликни кўздан бермай келишмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

ТАДБИРКОР ЦЕХИ

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида кўп йиллар меҳнат қилган тажрибали мутахассис М.Қосимов «Имиджтекстиль» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди.

Тадбиркор Ромитон тумани «Қалайчарбоғ» ширкат хўжалигида учта цех очиб, уларни замонавий гул босиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлади.

Бу ерда меҳнат қилаётган 17 нафар киз-жувон «Бухоротекс», Олот, Вобкенг ва Гиждвондаги турдош корхоналарда ишлаб чиқарилган оқ сурп ва бўзга ишлов бериб, чит, сатин, пахмок сочик ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар бежиримлиги ва арзонлигига кўра хориждорлар эътиборини тортмоқда.

«Имиджтекстиль» маҳсулотлари Бухоро, Қарши, Навоий, Самарқанд шаҳарлари савдо дўконларига етказиб берилаяпти.

КОМБИНАТ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНА

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати мамлакатимиз санотати тузилмасида ўзига хос ўринга эга. Сўнгги йилларда комбинат молявий аҳолини яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш мақсадида комбинат таркибида қўшма корхоналар ташкил этила бошлади. Хорижлик сармоядорлар билан қатор шартномалар имзоланди.

Шулардан бири - вьетнамлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Эритиш энгиверинг» қўшма корхона-сидир. Мазкур корхонада металл парчалари, рангли ва махсус металллар қайта ишланиб, улардан турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Хозирда Буюк Британия сармоядорлари билан шерикчилик асосида ана бир қўшма корхона тузилмоқда. Бевоқсон комбинат қошида ишга туширилган мазкур корхона ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металл ишлаб чиқаришга мўлжалланмоқда. Мазкур қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилгандан кейин комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланиш имконияти туғилади, юзлаб ёшлар иш билан таъминланади.

УЯЛИ АЛОКА

«ДЭУ Юнител» компанияси Нукус шаҳрида янги электрон уяли телефон алоқасини йўлга қўйди.

Бу Қорақалпоғистоннинг алоқа тизимидаги иккинчи уяли алоқа тармоғи, - дейди «Қорақалпоқтелеком» акционерлик жамияти раиси Ўрозбой Таженов. - Шу вақтгача Нукусда «Ўздунробита» компанияси уяли телефон алоқа хизмати кўрсатиб келар эди. Йил охиригача қорақалпоғистонликлар жаҳонда катта нуфузга эга бўлган COSKOM компанияси хизматида ҳам баҳраманд бўлади.

Аҳолига хизмат кўрсата бошлаган замонавий электрон уяли телефон алоқаси шаҳар юбилейига муносиб тўхфа бўлди.

(ЎЗА).

Рағбат

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Вобкент туманидаги Ином Наимов номи ширкат хўжалигида бўлиб, оддий меҳнаткашлар, пудратчилар билан пахта даласидаги самимий суҳбатлари жамоа бунёдкорларини янги-янги марралар сари руҳлантирди.

Натижада хўжалик заршунослари вилоятда биринчилардан бўлиб-пахта топшириш режасини бажардилар.

— Ҳаётдан беҳад мамнунман негаки, шу кунги Юртбошимиз билан дилдан суҳбат қилиш бахтига муяссар бўлдим. Президентимиз бизни ўйлантираётган муаммолар билан қизиқдилар. Суҳбат давомида оиламизга қарашли 18 гектар пахта майдонидан 45 центнердан ошириб ҳосил етиштиришга муваффақ бўлганимизни айтиб, хозирга қадар 240 минг сўмдан ошқ пахта пули олганимизни таъкидладим. Турмуш ўртоғим Салим Фазлиддинов, қизим Рисолатхон, ўғлим Умиджонлар менга қўл-қанот бўлаётганларидан беҳад мамнунлигимни изҳор этдим, - дейди 12-бригаданинг илгор пудратчиси Нигора Нарзиева.

Бундай пешқадам пудратчиларни ҳар бир участкада учратиш мумкин. Музаффар Хасанов, Тўймурод Ҳайитов, Робби Ўзбеков, Ҳалим Эргашев, Даврон Шириновлар шулар жумласидандир.

Хўжаликдан нафақат пахтачилик, балки мева, сабзавот, дон етиштириш ҳам пудрат асосида ташкил этилаётганлиги яхши самара бераётир. Ерлар шартнома асосида уларга берилган. Ҳар бир пудратчи шартнома талабларидан келиб чиқиб, пировард натижа учун масъул эканлигини дилдан ҳис этишмоқда.

Туман заршунослари бугунгача эл хирмонига 2100 тоннадан ошириб сифатли хом ашё топшириб, пахтачиликнинг ўзидан салкам 350 миллион сўмлик даромад олишга эришдилар. Бу бултургидан 30-35 миллион сўмга кўп демакдир.

Юқоридаги ширкат хўжалигининг Мусо Раҳмонов, Ҳайдар Ҳамроев, Иноят Истамов, Очил Тўраев бошчилик қилаётган бригадалар аллақачон 45-50 центнерлик маррадан ўзишди. Хўжалик бошқаруви ва касоба уюшма кўмитаси йиғим-терим илгорларини муносиб тарзда рағбатлантириб келмоқда. Охириги ўн кунлик якунларига кўра 1, 4, 11-бригада жамоалари голиб деб топилди. Уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири.

Мозийга назар ташланса, аждодларимиз маданият, маънавият масалаларига алоҳида эътибор берганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Мамлакатимизда ана шу қадим анъаналарга суянган ҳолда ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти.

БЕЧОРАҲОЛ МАДАНИЯТ САРОЙИ

Жиззах вилоятида унумли фойдаланиш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, Арнасой туманида олиб кўрайлик. Туманда 7 та маданият саройи мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларнинг деярли ҳаммаси ачинарли ҳолатга келиб қолган. «Фаргона» фермер хўжалиқлари уюшмасига қарашли клубнинг бугунги аҳолига розмана ачинасан киши. Хўжалик аъзоларининг таъкидлашларича, бу даргоҳ ҳақиқий маданият

ўчоғи бўлган. Унинг мухташам ва серфайз саҳнасида машхур халқ ҳофизлари, таъниқли сўз усталари ўз санъатларини намойиш қилишган. Қишлоқ кишиларига завқ-шавқ

«Ишонч» фош этади

лар, поллар гул мат кўрсатиш уйи қилинди.

— Бу маданият саройи 1990 йил қурилиб, фойдаланишга

мажбурий равишда уюшмага қарашли «Ҳаким ота» фермер хўжалиги раҳбари Малика Ҳакимжонова. — Мана икки йил ичида, бу қошона вайронага айланди, қўйди. Тўрт девордан бошқа ҳеч вақо қолмади.


Уюшма ҳудудида сўнгги йилларда биронта ҳам маданий-маиший бино қурилмади. Борлари ҳам қаровсизлик натижасида бузилиб бораёпти. Масалан, маиший хиз-

мат кўрсатиш уйи ташландиқ аҳволда. Маданият саройи билан рўбарў жойлашган мактабнинг кўшимча биноси эшик-даразалари эса синиб ётибди. Энг ачинарлиси, маданият саройида жойлашган кутубхона вагон-уйга олиб бориб жойлаштирилди. Шу боис китобхонлар унинг қаерда жойлашганини ҳам билишмайди. Дала юмушларидан бўшаган қишлоқ йигит-қизлари кўнгилли дам олиб, хордик чикаришлари учун қаерга боришни билмай юришибди.

Бўрибой НОРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Суратларда: Маданият саройининг бугунги аҳволи.

Муаллиф олган суратлар.



«ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...»

КҮНГИЛ САДОЛАРИ

Ҳар қачон боқсанг, кўш акси анинг ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур Хусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор, Барчаси эзид таоло сунъи нақошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин, Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих, Бул ажабларким, бу эски дайр хуфшошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фуракатидин баҳри ашк, Ҳар қачон боқсанг, кўш акси анинг ёшиндадур.

қаришга мажбур қилади. Ҳазал матлаини бошқатдан ўқийлик. Ҳазал матлаини бошқатдан ўқийлик. Ҳазал матлаини бошқатдан ўқийлик.



олам» – тасаввуф шеърятитиди поэтик образлардан бири. Унга шунчаки «турғун сўз бирикмаси» деб қаралмаслиги керак.

Демак, Навоий ғазалида «ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур» дейилиши – «ориф ошиқ»ларнинг «жон мулкида алам» тортишига ишоратидир.

Маълумки, фақрлик билан орифлик ажралмас тушунчалардир. Фақрлик – орифлик йўли ёки аксинча. Оллоҳ маърифатига ниёзманд солиқ – бу фақр.

Юнус Эмро: Ҳар саккиз минг олам халқи жумласи бир ичинда, Кимса йўқ бирдан айру, сўйлаин дил ичинда, Бу тилсининг англагон, жумла дилда сўйлагон, Ердә кўда сифмагон, қирмиш бу жон ичинда,

Маълумки, Алишер Навоий «Лисон-ут тайр»да хайрат водийсидан сўнг «фақру фано водийсининг адо-си» тасвирини берган:

Чун талум кўргузуб баҳри амийк, Юз татмон олам бўлуб онда гарик.

Баҳрининг кўлоки тушқон чоғда авж, Ким аён айлар туман минг нақш мавж.

Дам-бадам бу нақшлар толиб фано, Фош ўлур минг мавж гуногун яно.

Яхши боқсанг мавжида йўқтур вужуд, Баҳрдин ўзга эрур бори нобуд.

Ҳақ вужуди келди баҳри бегарон, Мавжи онинг офаринишдин аён.

Айни шу «минг нақш мавжи», яна «минг мавж гуногун»нинг кўриниши ва «ҳақ вужуди»нинг «баҳри бегарон» келиши шoir ўн саккиз минг олам ичидаги мўъжизотлар деб характерлаб, буларнинг барчасига эътибор қилишини қайд этади:

Юқоридаги далил ва мулоҳазаларга таяниб, Навоий ғазалининг тасаввуфий моҳиятини шарҳлаш энди бир қадар осонлашади. Чунончи, ўн саккиз ёшли шоирнинг сарвинози – «ўн саккиз минг олам» ғавғоларининг сабабқори: «Еру азал. У қачонлардир йўқни бор қилиб «ўн саккиз минг олам»ни юзга келтирган. Лекин ўзи ҳамон ўша-ўша: «ўн саккиз ёшли» сарвинозиги ўзгармаган.

Ҳайрат этмон ҳусн нақшидаки, ҳар ҳайратки бор, Барчаси эзид таоло сунъи нақошиндадур, демаган бўлурди. Ривоят қилинишича, Биби Робия бир кун далада сайр этиб юриб, «Мени Худо билан кўришмоқ иштиёқи чулғаб олди.

Иккинчи мисрада, ййҳом санъати тadbик этилган. Уни «Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг суwrати ва сийратиндадур» деб ҳамда «Ақлга юз ҳайрат, ул ойнинг ичи ва тошиндан» деб англаш мумкин.

Инсон моҳият эътиборида ишқи ҳақиқига лойиқ бир борлик. Ишқи ҳақиқий йўли – кўп олис ва таҳликалий йўл. Лекин солиқ нафсини енгиб кўзлаган маконига восил бўлғач, шубҳа, кўрқув, носикликлардан покланади.

Алишер Навоийнинг «ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур» мисраси билан бошланадиган ғазалидаги улғувор ва ўтли оҳанг фақру фано шеърларининг кўнгул садоларидир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида муҳим қонунлардан бири – «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганди.

ДОНОРЛИК ўзгаларга ҳаёт бағишламоқ демакдир

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунни Вазиrлар Маҳқама-сининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилиши йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

2001 йилда вилоятда қайд этилган 28 минг туғруқдан 5840 тасига турли миқдордаги қон ва ундан тайёрланган компонентлар қуйилиши натижасида туғруқлар муваффақиятли кечгани йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Уни изчил ҳаётга тадбиқ этиш борасида бизнинг вилоятимизда ҳам ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Эндиликда соҳага 300 га яқин малакали шифокор, етарлича билим ва маҳоратга эга бўлган тиббиёт ходимлари жалб этилган бўлиб, улар учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Биргина вилоят марказидаги қон қуйиш марказида 52 нафар ходим ишлайдиган бўлиб, уларнинг ичи ва тошиндан» деб англаш мумкин. Ер кўнглида «тош» яширин бўлмаганида «ақлга юз ҳайрат» ато этилмасди.

Янги қабул қилинган қонун талабларидан келиб чиқиб, вилоят марказида замонавий талабларга мос келадиган бино қурилиши билан боғлиқ масала ижобий ҳал бўлиш арафасида. Шунингдек марказ учун махсус автоуловлар ҳам ажратилиб режалаштирилган.

Унда 500 мингдан зиёд киши иштирок этди. Бундай митингни янаги йил февралда ташкил этиш режалаштирилган эди. Бироқ, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироқ борасидаги сўнг резолюциясидан кейин ақсилғоблашчар Овру-понинг девярли барча йурик шаҳарларида норозилик намойишлари уюштиришга аҳд қилдилар.

Собир АННАЕВ, Бухоро вилоят қон қуйиш марказининг бош ҳақими.

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ МАНФААТДОРЛИКДА

Собик «Бухоротранс» давлат акциядорлик жамияти негизда шу йил «Бухоротранс» автомобил-транспорт уюшмаси тузилди.

Ўзгаришлар автокорхона фаолиятига ижобий таъсир қилди, дейди уюшма бошқаруви раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Р. Камолов.

«Туркистон-пресс»

БАЙРАМ ШУКУҲИ


Айни кунларда Афғонистон пойтахти Қобул ҳамда бошқа шаҳарларда одамлар ўзгача кайфият билан шоду-хуррамлик қилмоқдалар. Чунки кун кеча мамлакатнинг «толибон»чилар ҳукмронлигидан озод этилганлигига бир йил тўлди.

РЕФЕРЕНДУМ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

Янаги йилнинг март-апрел ойларида Чеченистонда референдум ўтказиш режалаштирилди. Унда кун тартибига республика конституцияси масаласи қўйилади.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

президент лавозимини таъсис этиш ҳолати ҳам кўзда тутилади. ХУ ЦЗИНЬТАО – РАХНАМО Утган пайшанба кун Хитой коммунистик партиясининг XVI съезди ўз иштини якунлади.



Унда 500 мингдан зиёд киши иштирок этди. Бундай митингни янаги йил февралда ташкил этиш режалаштирилган эди. Бироқ, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироқ борасидаги сўнг резолюциясидан кейин ақсилғоблашчар Овру-понинг девярли барча йурик шаҳарларида норозилик намойишлари уюштиришга аҳд қилдилар.

МИЛКИНГИЗГА ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

АҚШнинг Шимолӣ Короллина штатида фаолият кўрсатаётган гинеколог олимлар гафати кашфиёт қилдилар. Бир неча йиллик изланишлардан маълум бўлдики, милки доимий равишда оғрийдиган аёллар чала туғиб кўяр экан.

Давр талаби

ИЛГОР ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

муҳитини яратиш бўйича муҳим қадам

Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари шу йилнинг 31 май кuni эълон қилинган «Компьютерлаштиришни келгусида ривожлантириш ва инфор...

Бу ҳақда компьютер технологиялари факультети декани, физика-математика фанлари доктори, профессор Хафиз Музаффаров куйидагиларни сўзлаб берди:

Мазкур концепция ўз олдига Миллий университетда замонавий инфор...

Лойиҳадан кўзланган мақсад давлат ва жаҳон фондининг инфор...

Қисқаси, концепцияни тузишдан кўзланган мақсадлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бизнингча, замонавий компьютер ва ком...

Лойиҳада иловалар ҳам берилган бўлиб, уларда инфор...

хулоса чиқариш мумкин: худудимизга тааллуқли масалаларни ҳал қилиш, жумладан, етук миллий кадрлар тайёрлаш учун ҳам, фикримча, Миллий университет қошида суперкомпьютер марказини ташкил этиш мақсадага мувофиқ бўларди.

Факультетимизда олиб борилаётган ишларни кайд этганда, бир жиҳатни назардан қочирмаслик даркор: биз ҳозирда дунёнинг катта макъага эга олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда ишламоқда-



Яқинда Шахрисабз туманидаги энг хушманзара маскан - Новақт кишлоғида жойлашган вилоят 2-сонли кўз касалликлари шифохонасининг малакали ходимлари томонидан гоёт мураккаб операция - кўриш органига сунъий гавҳар қўйиш

миз. Талабалар алмашиш, ўзаро иш тажрибаларини ўрганиш, ўқитиш босқисига янги-янги усуллар, йўналишлар, сўнги кашфиётларни тадбиқ қилиш, халқаро андозлардан даражасида ишлаш - буларнинг бари биз ҳозирдаги олий ўқув юртлири билан биргаликда ишлашдан кўзланган мақсадларимиздир. Германиянинг машур Илмена техника университети шулар сирасига кириши мумкин. Бу университет биз билан ҳамкорлик қилишга - талабаларимизнинг у ерда ўқиниш давом эттиришига хайрихоҳ. Уйлайманки, талабаларимиз соҳада эришилаётган энг сўнги ютуқлардан воқиф бўладилар, мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб улуш қўшадилар.

Сўхбатни Маъсума АХМЕДОВА ёзиб олди.

Кейинги йилларда ўзбек қурашининг оммавийлиги дунё микёсида тобора ошиб борапти. Шу маънода қурашимизнинг навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига киритилиши қувонарли ҳол, албатта. Навбатдаги марра эса Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олиш. Ҳўш, бу борада нима ишлар қилинмоқда? Келгусидаги режалар қандай?

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мулоқотда Қураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов, КХА бош котиби Умид Ёқубов, Ўзбекистон миллий қураш федерацияси бош котиби Аббос Тўйчибоевлар иштирок этдилар ва шу каби саволларга атрафлича тўхталиб ўтдилар.

Халқаро спорт федерацияси GAISF ассоциациясининг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтган яқка қураш бўйича кенгашида КХАнинг

шаҳрида Пан-Америка давлатлари ва мезбон Бразилиянинг кучли спортчилари иштирокида қураш бўйича 1-халқаро турнир бўлиб ўтди. Бу V Жаҳон чемпионатини ўзида ўтказишга талабгор бўлган Бразилия учун тайёрлов босқичи ҳам

HALOL, YONBOSH, CHALA каломлари энди Бразилияда янграйди

ушбу нуфузли ташкилот аъзоллигига кириш учун берган аризаси қабул қилинди. Айтиш жоизки, GAISF аъзоси бўлиш ривожланаётган ҳар бир спорт тури учун Олимпиада ўйинларига киришининг мажбурий шартини ҳисобланади.

Яна бир йирик мусобақа 8-11 декабр кuni Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида

Фахр

ция ташкил этилди. Федерация президентлигига сайланган Саид Маҳмуд Зиё Дашти КХАнинг тўлақонли аъзоллигига қабул қилишни сўраб ариза ёзган ва декабр ойида Деҳлида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этишга руҳсат сўраган. Афғонистон дунёдаги қураш федерациялари очилган 59-мамлакат бўлиб таърихдан жой олди.

Ўзбек қураши дунё кезмоқда. Турли давлатларда ўзбекининг калом янграмоқда. Демакки, Ўзбекистонни дунё танимоқда.

Абдулхай ЮСУВОВ, «Ишонч» муҳбири.



Ашуров; шифо масканининг умумий кўриниши; малакали шифокорлар Адита Бобоева, Юлдуз Бегалиева ва Замира Тўхтаевлар.



Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

Галаба сурури хамиша ёқимли. Айниқса, у халқаро учрашувда кўлга киритилса. Чемпионатимизнинг сўзсиз пешқадами «Пахтакор» жамоасининг Бирлашган Араб Амирлиги кубоги соҳиби «Ал-Аҳли» билан кечган ўйинни ўз фойдасига ҳал қилгани, шубҳасиз, кўнгилларга чирок ёққандек бўлди. Анвар Солиев, Гочкули Гочкулиев ва Зайниддин Тожиев томонидан амалга оширилган уч голга меҳмонлар икки тўп билан жавоб қайтаришди.

Энди тошкентликлар Дубайда дуранга эришсалар қиёфа. Шундай дейимиз-у бунинг учун «Пахтакор» футболчилари ўзларидега сабот ва маҳорат топа оладилармикан, деган бир шубҳа қўланка каби дилимизга соя ташлайди. Бунга эса яна кегаги учрашув сабаб. Тўғри, кичик фарқ билан бўлса-да, ютуққа эришилди, лекин нималар эвазига деган савол кишини қийнайди. Энг ёмони футболчиларимиз не машаққатлар билан тўп кириштиб, жуда осонлик билан ўз дарвозаларининг иш-нон қилинишига йўл қўйиб берганликлари бўлди. Эронлик легионер Али

Осиё чемпионлар лигаси

умумий ўйин шамойилига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқ. Аммо катта йўлга юксак мақсадларни кўзлаб чиққан жамоа мутасаддилари учун бу баҳона бўлмаслиги керак.

Яқин ўн йил ичида «Пахтакор» жамоаси ҳозиргача кучли таркибга эга бўлмаган. Айрим ўйинчиларимизга хатто хориздан «совчи»лар келаятгани, Европа грантлари бўлиши клублардан таклифлар тушаётгани бежиз эмас. Бинобарин, ўз келажагини ўйлаган футболчига бу ҳам бир имконият - фақат бунинг учун у майдонда ўзини яқини томондан намойиш этиши лозим. Халқаро учрашувлар эса аини мудоаодир. Шу сабабларга кўра ҳам Дубайда бўлади жавоб учрашувига биз кутган натижа қайд этилишига умид билдиришга ҳақликимиз.

Шу кuni юртимиз шарофтини химоя қилаётган иккинчи жамоамиз «Нефтичи»

БИР ЮТУҚ, БИР МАҒЛУБИЯТ бу умумий муваффақият учун етарлими?

Халқаро чемпионатининг аниқ таъсир кўрсатаётгани аниқ. Аммо катта йўлга юксак мақсадларни кўзлаб чиққан жамоа мутасаддилари учун бу баҳона бўлмаслиги керак.

Техрон шаҳрида Эроннинг «Истиклол» клубига қарши майдонга тушди. Баҳс ниҳоятда кескин кечди. Мезбонлар қандай бўлмасин йирик ҳисобда голиб чиқишга ҳаракат қилишларини аввалдан билган мураббийлар ўз шогирдларини ўшбу матчга ҳар жиҳатдан ҳозирлай олдилар. Гарчанд «Нефтичи» дарвозаси бир марта ишғол қилинган эса-да, бундан ортик даражада хавотирланишга сабаб йўқ. Бизга маълумки, «Нефтичи» футболчилари ўз майдонда деярли мағлубиятга учрамайдилар, бильякс, айниқса халқаро учрашувларда ишонарли галабаларга эришади.

Биз ўз фикримизда қанчалар ҳақ эканлигини билишга ҳам кўп вақт қолгани йўқ. Яна икки ҳафтадан сўнг барча саволларимизга жавоб оламиз. У биз учун анча кўнгилли бўлади, деган умиддамиз. Эеро, ҳар икки жамоамизни китбаимизнинг энг кучли клублари жамулган бўладиган гуруҳ бахслари кутмоқда.

З.РИХСИЕВ.

«СТИПЕНДИЯ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Мамлакатимизда очик жамият - Ўзбекистон институти (Сорос кўмак жамғармаси) фаолият кўрсата бошлаганига 6 йил бўлди. Ижтимоий фанларни ўқитишни янада яхшилаш, кичик ва ўрта бизнес, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, жамиятни демократлаштиришга кўмаклашиш каби масалаларни ҳал этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бу нуфузли ташкилот «Стипендия» дастурини амалга оширишга ҳам киришди.

Олий ўқув юртлирида гуманитар ва ижтимоий фанларни ўқитишни ислоҳ қилиш, иқтидорли талаба ёшларнинг чет мамлакатларда ўқиниш давом эттиришига кўмаклашиш, шунингдек, эҳтиёж сезилмайдиган касбий таълимни эгаллашга ёрдам бериш мазкур дастурнинг вазифаси, - дейди дастур координатори Камолитдин Дирёров. - Биз Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. 200 нафарга яқин стипендиат чет мамлакатларда ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Бу йил мазкур дастур бўйича ёшлар яна қатор имтиёзларга эга бўлишди. «Стипендия» дастури доирасида кўшимча грантлар ажратилди. Бундай имтиёзни кўлга киритган толиби илмлар Фарбий Европа, Осиё, Австралия, Шимолий Америкадаги қатор нуфузли университетларда гуманитар фанлар бўйича докторлик илмий даражасини олиш учун тадқиқот ишларини амалга оширадилар.

А. АКБАРОВ.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Наманган Давлат университети хузуридаги академик лицейда Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан ўқувчиларнинг вилоят маорифи соҳаси фахрийлари, профессор-ўқитувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кўпгина таниқли олимлар фан ва маорифни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Бугунги кунда уларнинг ўнлаб шогирдлари ўқувчи ва талабаларнинг

ди. Ва кўп ўтмасдан «қора хат» келди. Қодиржон ўн ёшга тўлар-тўлмас қўлига кетмон олиб далага чиқди, катталар билан ёнма-ён ер чоғди, ғўза ўтади, пахта терди. Мактабни битиргач ҳам оилавий шароити туфайли ўқиниш ҳаёлига келтира олмади. Барибир, бригадирнинг қовоқ-тумшугига қараб ишлашдан зерикканди, шунинг учун қишлоқларига туташ Сирдарё қўлларида геологикидирув ишлари олиб бораётган гуруҳга қўшилди. Энди уйга, оилага ёрдами кўпрок тега бошлади.

Орада армия хизматига чақирилди. Зйирак ва чаққонгина эмасми, авиация кичик мутахассислари тайёрлаш бир йиллик курсига ўқишга юборилди. Курсни аъло баҳоларга тамомлаган Қодиржон гарчи «ТУ-95» оғир бомбардимончи самолётида ра-

Фидойилар ҳақида ҳикоялар

қолган олтиминчи йиллардаги халқаро вазият кўз олдига келади. Дунёнинг икки қарама-қарши лагерга бўлиниши, «Пауэрс парвози», «Куба кризиси», Венгрия ва Чехославакия воқеалари, Берлин теварағида со-

МЕҲРИН ИЛА ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

дир бўлган жанжаллар... Уруш қилиб кетиши учун бир баҳа қолган пайтлар кўп бўлган. - Хавф-хатар юз берган вақтлар бўлганми? - сўрайман, деб ўйлардик. Адашмасам, бу воқеа халқаро аҳвол тарағн нуктага етган 1964 йилнинг кеч куз кунларида юз берганди. Учиш ўн соатдан ўтиб, ҳавода ёнилғи олиш жараёни бораётган маҳалда қўшни самолёт учу-

чиси хатоликка йўл қўйди ва бензин олаётган махсус труба узилиб кетди. Унинг катта қисми ҳавода илондек билангалаганича бизнинг машина, самолётнинг бензин бакига тегса портлаб кетишимиз тайин!

Махсус туйнук орқали самолётнинг тепа қисмига чиқиб олдим. Совуқ шамол кўз очирмасди. Бутун фикримни бир нуқтага йиғдим ва командир топширигини удалашга муваффақ бўлдим...

Қодиржон Мирзалиевнинг ҳарбий хизмат даврида эгалаган вазифаси ўн беш йиллик охириги марра эди. Бу муддат ҳам етти келди. Ниҳоят уни катта ҳурмат билан нафақага кузатишди. Қолаверса, онаси кекасийби хасталикка чалинганлиги уни тезроқ уйга қайтишини тақозо қиларди.

Мана яқин ўттиз йилдирки, собиқ ҳарбий хизматчи ёшларга, Ватан химоячиларига бу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини кунт билан ўргатмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH Boш муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 20.45